



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “24 ” mart

Қ-188 -son

Termiz sh.

**Термиз тумани “Амударё Гулбахор” массиви ва “Сурхон Дўстлик сархади” массиви худудларидан “TERMIZ KLASTER AFROFIRMA” МЧЖга “пахта ва ғалла экинлари етиштириш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 23 февралдаги 05-02/155-сон йиғилиш баёни, Термиз тумани ҳокимининг 2021 йи 22 январдаги 01-08/18-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. “TERMIZ KLASTER AFROFIRMA” МЧЖга Термиз тумани “Амударё Гулбахор” массиви худуддаги туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 185, 188, 183, 189, 178, 199қ, 199қ, 192, 196, 195, 101, 103, 109, 110, 180, 120, 121, 137, 142, 99, 126, 128, 121-дала контурларидаги жами 402,7 гектар, шундан 385,2 гектар суғориладиган экин ер, 0,5 гектар яйлов, 2,5 гектар сув ости ер, 2,3 гектар йўллар ва 12,2 гектар бошқа ер майдонлари ҳамда “Сурхон Дўстлик сархади” массиви худудидан туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 62, 40, 37, 39, 33-дала контурларидаги жами 103,0 гектар, шундан 97,5 гектар суғориладиган экин ер, 1,8 гектар сув ости ер, 1,2 гектар йўллар ва 2,5 гектар бошқа ер майдонлари умумий ер майдони 505,7 гектар, шундан 482,7 гектар суғориладиган экин ер, 0,5 гектар яйлов, 4,3 гектар сув ости ер, 3,5 гектар йўллар ва 14,7 гектар бошқа ер майдонлари пахта ва ғалла экинлари етиштириш учун (30 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов